



A MULTIDISCIPLINARY APPROACH TO THE SPIRITUAL LEGACY OF JALAL AL-DIN MANGUBERDI: A SOCIOLOGICAL-PHILOSOPHICAL ANALYSIS

Zamirakhon Ruhitdinovna Isakova

Doctor of Philosophy (DSc), Professor

Namangan State University

E-mail: ms.zamiraxonisaqova@gmail.com

Namangan, Uzbekistan

Zavkiddin Khayrilloyevich Fayziyev

Independent Researcher

E-mail: Zavkiddinfajziyev543@gmail.com

Namangan State University, Uzbekistan

Namangan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Jalal al-Din Manguberdi, spiritual legacy, national identity, Mongol invasion, defense of the Motherland, loyalty to the Motherland, struggle of values, multidisciplinary approach.

Received: 27.04.26

Accepted: 28.04.26

Published: 29.04.26

Abstract: This article analyzes aspects of the personality of Jalal al-Din Manguberdi, which have received little attention previously, particularly the influence of his spiritual legacy on society, based on a new approach. The activities of Sultan Jalal al-Din during the Mongol invasion are studied not only as a series of military-political events, but also in the context of preserving national identity, continuing the traditions of statehood, and expressing the struggle of values in human history. A multidisciplinary approach to the problem, based on the integration of historical, philosophical, sociological, and political sciences, made it possible to reveal the spiritual legacy of Jalal al-Din Manguberdi and the pragmatic, cognitive, and axiological aspects of his activities.

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИГА МУЛЬТИДИЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ: ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Замирахон Рухитдиновна Исақова

Фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Наманган давлат университети

e-mail: ms.zamiraxonisaqova@gmail.com

Наманган, Ўзбекистон

Завқиддин Хайрилович Файзиев
 Муस्ताқил тадқиқотчи
 Наманган давлат университети
 e-mail: Zavkiddinfajziev543@gmail.com
 Наманган, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жалолиддин Мангуберди, маънавий мерос, миллий ўзлик, мўғуллар истилоси, Ватан ҳимояси, Ватанга садоқат, қадриятлар кураши, мультидисциплинар ёндашув.

Аннотация: Мақолада Жалолиддин Мангуберди шахсига илгари кам эътибор берилган жиҳатлар, хусусан, унинг маънавий меросининг жамиятга таъсири масаласи янгича контекстда таҳлил қилинган. Мўғуллар истилоси давридаги Султон Жалолиддиннинг фаолияти нафақат ҳарбий-сиёсий воқеалар силсиласи, балки миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиш, давлатчилик анъаналарини давом эттириш ва инсоният тарихидаги қадриятлар курашининг ифодаси контекстида тадқиқ этилган. Масалага тарихий, фалсафий, социологик ва сиёсий фанларнинг интеграцияси асосида мультидисциплинар ёндашиш Жалолиддин Мангуберди маънавий мероси ва унинг фаолиятининг прагматик, когнитив ва қадриятларга асосланган аспекти очиқ берилган.

МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ПОДХОД К ДУХОВНОМУ НАСЛЕДИЮ ДЖАЛАЛАДДИНА МАНГУБЕРДИ: СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ

Замирахон Рухитдиновна Исакова
 Доктор философских наук (DSc), профессор
 e-mail: ms.zamiraxonisaqova@gmail.com
 Наманганский государственный университет
 Наманган, Узбекистан

Завқиддин Хайрилович Файзиев
 Независимый исследователь
 Наманганский государственный университет
 e-mail: Zavkiddinfajziev543@gmail.com
 Наманган, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Джалаладдин Мангуберди, духовное наследие, национальная идентичность, монгольское нашествие, защита Родины, верность Родине, борьба ценностей, мультидисциплинарный подход.

Аннотация: В статье, на основе нового подхода, проанализированы аспекты личности Джалаладдина Мангуберди, которым ранее уделялось мало внимания, в частности, влияние его духовного наследия на общество. Деятельность Султана Джалаладдина в эпоху монгольского нашествия исследована не только как цепь

военно-политических событий, но и в контексте сохранения национальной идентичности, продолжения традиций государственности и выражения борьбы ценностей в истории человечества. Мультидисциплинарный подход к проблеме, основанный на интеграции исторических, философских, социологических и политических наук, позволил раскрыть духовное наследие Джалаладдина Мангуберди и прагматические, когнитивные и аксиологические аспекты его деятельности.

Тарих зарварақларида шундай сиймолар учрайдики, уларнинг қисқа, аммо мазмунли ҳаёти асрларга тенгдир. Улар замонлар оша ўчмас из қолдириб, халқ хотирасида абадийликка муҳрланган. Уларнинг жасорати, Ватанга чексиз садоқати ва эзгу ниятлар йўлидаги қатъияти асрлар давомида келгуси авлодларга ибрат бўлиб хизмат қилади. Хоразмшоҳ Жалололдин Мангуберди ана шундай буюк шахслардан биридир. “Мангуберди” унинг фахрий унвони бўлиб, “Аллоҳ томонидан берилган” деган маънони англатади.

Жалололдин Мангуберди 1199 йилда Хоразмшоҳлар давлатида дунёга келди. Унинг тўлиқ исми Жалололдин Абул Музаффар Манкбурни Муҳаммад ўғли эди. Отаси Ануштегинлар сулоласидан бўлган Хоразмнинг саккизинчи шоҳи Алоуддин Муҳаммад ибн Такаш (1220 йилда вафот этган) давлат бошқарувида ворислик анъанасига содик қолган ҳолда, кучли маъмурий ва ҳарбий тизимни сақлаб, янада мустаҳкамлади. Маълумки, Алоуддин Хоразмшоҳнинг отаси Алоуддин Такаш ибн Эларслон ибн Отсиз ибн Ануштегин (1172-1200) даврида Хоразмшоҳлар давлатида ҳарбий-феодал тузум шаклланган бўлиб, туркий жангчилардан иборат, яхши қуролланган ва таълим кўрган 150 минг кишилик доимий армия, 200 минг кишилик захира кучлари ва 100 минг кишилик халқ лашкари мавжуд эди. Шунингдек, ҳарбий тайёргарлик шу даражада йўлга қўйилган эдики, хавф туғилган пайтда бутун аҳоли жангчига айланиши, ҳар бир инсон ёшлигидан от миниш ва қурол ишлатишни ўрганиши лозим эди. Хоразмшоҳ Гурганжда бир кечанинг ўзида ўттиз минг суворийни сафга тизиш имкониятига эга эди.

Жалололдиннинг онаси Ойчечак хоним эса туркман-қипчоқ қабиласидан бўлиб, ўз гўзаллиги ва фаросати билан эл-юртга танилган эди.

Қипчоқлар ўрта асрларда Марказий Осиё ва Жанубий Россия заминларида яшаб ўтган, жасур жангчилиги ва кўчманчи ҳаёт тарзи билан ном қозонган туркий халқдир. Жалололдин Мангубердининг шахсидаги ботирлик ва саботкорлик каби хислатларнинг

илдизи ҳам айнан шу заминдан озикланган, десак, муболаға бўлмайди. Ойчечакнинг Хоразмшоҳлар саройига келин бўлиб тушиши қипчоқлар билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилган. Хоразмшоҳлар давлати қипчоқлар билан сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиб, улардан аскарлар ёллашган.

Алоуддин Хоразмшоҳ Хуросоннинг катта қисмини ўз назоратига олган. 1201 йилда Ғиёсиддин Ғурий Хуросоннинг айрим ҳудудларига бостириб кирганида, Алоуддин унга қарши мардонавор кураш олиб борган. 1203 йилда Ғиёсиддин оламдан ўтгач, Ҳиротни эгаллаган. Кейинчалик Бодғис ҳам унга бўйсунган. Ғурийларга қарши юриш қилиб, Марврудни қайтариб олган. 1206 йилга келиб Ғурийлар давлати инқирозга юз тутгач, Хуросоннинг уларга тобеъ ҳудудлари Алоуддин тасарруфига ўтган. Ёшлик йилларидан бошлаб ўзининг ҳарбий қобилияти ва жасурлиги билан ажралиб турган Жалолоддин отасининг ҳарбий юришларида фаол қатнашиб, қисқа вақт ичида моҳир саркарда даражасига кўтарилган.

Муҳаммад Алоуддин Хоразмшоҳ давлат бошқарувида адолат, қонунийлик ва энг муносибларни лавозимга тайинлаш тамойилларига амал қилган. Унинг қатъиятлилиги, зукколиги, ташаббускорлиги, инсонпарварлиги ва адолатга содиқлиги, давлат хизматчиларини танлашдаги маҳорати, турли манфаатлар ўртасида мувозанатни сақлай олиши унинг ҳукмдорлик салоҳиятидан далолат беради. Айнан шу хислатлар унинг йигитма йил давомида Хоразмшоҳлар давлатини қудратли империяга айлантириши ва тарихда муҳим шахс сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган. Шундай муҳитда тарбия топган Жалолоддин Мангубердиннинг жасур ва мард инсон бўлиб етишишида отаси Султон Алоуддин Хоразмшоҳнинг шахсий намунаси муҳим рол ўйнаган.

Самарқанд ва Бухоро ҳокими Усмон Алоуддин Хоразмшоҳдан қорахонийларга қарши курашда ёрдам сўрагач, Алоуддин қўшинлари мағлубиятга учраб, ўзи ҳам асирга тушади. Бу хабар Хуросон бўйлаб тарқалади. Шунга қарамай, Алоуддин Хоразмшоҳ 1206-1208 йилларда Хуросонни қайта қўлга киритади ва 1207 йилда қорахонийлар устидан ғалаба қозонади. Натижада, Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва вилоятлари унинг ҳокимияти остига ўтади ва у “Искандари соний” деган шарафли номга сазовор бўлади. Ғурийлар ва қорахонийлар давлатларини тугатгач, Алоуддин Хоразмшоҳнинг салтанати Мозандарон, Кирмон, Систон ва уларга қўшни ҳудудлардан тортиб, Уммон денгизигача бўлган ерларни ўз ичига олади. Аббосий халифаси Носируддин билан келишмовчиликлар 1218 йилда Алоуддинни Ироққа қўшин тортишга мажбур қилади. Аммо Бағдод сари йўл олган бу улкан лашкар қаттиқ совуқ туфайли ортга қайтади. Алоуддин Хоразмшоҳ Нишопурда халифанинг исмини хутбадан ўчириш ҳақида фармон беради. Шунингдек,

Кучлукхон бошчилигидаги найман қабилалари ҳам мағлуб этилади. Шу тариқа, Алоуддин Хоразмшоҳ Ҳиндистон чегараларидан тортиб Кичик Осиёгача, шимоли-шарқда эса Хитойгача бўлган ҳудудларга ҳукмронлик қилади.

Хоразмшоҳлар давлати Чингизхон (1206-1227) босқини арафасида дунёнинг энг қудратли сиёсий кучларидан бири бўлган. Бироқ, унинг мўғуллар билан бўлган урушдаги тактика ва стратегияси, бепоён ҳудуддаги унга бўйсунувчи шаҳарлардаги тарқоқлик хоразмшоҳлар давлатининг қулашига олиб келган.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, мўғуллар томонидан Хоразмга келган савдо қарвонининг қирғин қилиниши икки давлат ўртасидаги адоватнинг бошланишига сабаб бўлган. Ўша пайтда қудратли давлат ҳукмдори бўлган Алоуддин Хоразмшоҳ кўчманчи мўғул армиясининг кучини етарлича баҳоламаган.

1219 йил кузида Чингизхон Мовароуннаҳрга бостириб киради. Мўғулларга қарши жангларда асосий эътибор шаҳарларни ҳимоя қилишга қаратилса-да, мўғуллар шаҳарларни қамал қилиб, аҳолини қирғин қилади. Алоуддин Хоразмшоҳ Каспий денгизи томон чекинади. Чингизхон ўз саркардалари Субетой Баҳодир ва Жебе Сўённи султоннинг изидан қувиш учун юборади. 1219 йилда Алоуддин Хоразмшоҳ Астаробод кўрфазидаги оролда вафот этади. Унинг жасади Ардахон қалъасига олиб келинса ҳам, қалъа мўғуллар томонидан эгаллаб олинган, Султон Алоуддиннинг жасади Қорақурумга олиб кетилади ва Ўқтой қооннинг буйруғига биноан мўғул аъёнлари ҳузурида ёқиб юборилади. Шу тариқа, Алоуддин Хоразмшоҳнинг ҳукмронлиги яқунланади. Бу воқеа кўплаб тадқиқотлар учун мавзу бўлиб, буюк давлатнинг бошланиши, инқирози ва таназзули сабабларини ҳолисона талқин этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жалолоддин Мангубердининг ҳукмдорлик фаолияти мўғуллар истилоси давридаги халқнинг оғир синовларига тўғри келган. У мўғул босқинчиларига қарши курашиш, давлатни сақлаб қолиш ва халқни ҳимоя қилишга бор кучини сарфлаган.

Хоразм пойтахти 1221 йилда мўғулларнинг қўлига ўтган, Жалолоддин Мангуберди аввал Нишопурга, у ердан эса Ғазнага борган. Парвонда кичик қўшин тўплаб, мўғулларга қарш курашда ғалаба қозongan. Чингизхоннинг беҳисоб қўшини Султон Жалолоддинга қарши ҳужумга ўтган, икки томон Синд дарёси қирғоғида тўқнаш келди. Жалолоддин ва унинг жонқидо аскарлари бор кучларини ишга солиб, мардонавор жанг қилишди. Бироқ, мўғулларнинг сон жиҳатидан устунлиги ва ҳарбий тактикаси ўз сўзини айтди, Хоразм қўшини мағлубиятга учради. Шунда Жалолоддин Мангуберди жон сақлаш учун қолган жангчилари билан Синд дарёсидан кечиб ўтишга мажбур бўлди.

Мана шу мағлубиятдан сўнг ҳам Жалололидин Мангуберди Хоразмни мўғуллардан озод қилишдек муқаддас мақсаддан воз кечмади. У юртма-юрт сарсон бўлиб, қўшин тўплаш ва мўғулларга қарши кураш олиб бориш учун тинимсиз ҳаракат қилди. Унинг жанговар фаолияти Ҳиндистондан тортиб, Озарбайжонгача бўлган улкан ҳудудларни қамраб олди. Хусусан, Парвон жангида мўғуллар устидан қозонилган ёрқин ғалаба ва Ҳинд дарёсидаги жасорати унинг нақадар моҳир саркарда эканлигини бутун дунёга кўрсатди. Шу билан бирга, Жалололидин Мангуберди ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва қўшин сафини тўлдириш мақсадида бир қатор давлатларни забт этди. Аммо бу воқеаларнинг тарихий аҳамиятини тўлиқ англаш учун алоҳида тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Жалололидин Мангубердининг ҳаёти ва кураши мўғуллар истилосидек оғир синов даврида халқнинг матонати ва Ватан ҳимояси йўлидаги фидойилигининг ёрқин намунаси бўлди. У нафақат буюк саркарда, балки миллий ўзликни сақлаш, давлатчилик анъаналарини давом эттириш ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш йўлида курашган фидойи инсон сифатида ҳам тарихда ўчмас из қолдирди.

Қоҳиралик тарихчи Абул Маҳосин Жамоллидин ибн Тағриберди (1410-1470) “Нужум аз-заира фил мулук” асарида мўғулларнинг Ислом ерларига бостириб кириши давридаги вазиятни тасвирлаб, уларга қарши чиққан аксар қўшинлар енгилиб қочгани, фақатгина Жалололидин Хоразмшоҳ уларга қарши мардонавор курашгани ва то умрининг охиригача уларнинг Ислом оламига ёйилишини тўхтатиб турганини таъкидлаган: “Хоразмшоҳ уларга қарши чиқа билди ва ўлғунига қадар уларни тўхтатиб турди”. Бу эса Жалололидин Хоразмшоҳнинг мўғулларга қарши курашдаги беқиёс ўрни ва жасоратини эътироф этишдир.

Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги намояндаси, мўғуллар ҳужуми даврида жасорат ва мардлик тимсолига айланган саркарда ва давлат арбоби Жалололидин Мангубердининг тарихдаги ўрни, энг аввало, мўғул босқинчиларига қарши аёвсиз кураш олиб борганлиги билан белгиланади. Гарчи у Хоразмшоҳлар каби қудратли империяни сақлаб қололмаган бўлса-да, халқнинг миллий идентитетини асраш, давлатчилик анъаналарини давом эттириш ва ўз юртини ҳимоя қилиш йўлида жонини қурбон қилган фидойи инсон сифатида тарихга кирди.

Жалололидин Мангубердининг маънавий мероси жамият тараққиётининг муҳим омиллари бўлмиш жанговарлик, Ватанга садоқат, мардлик, жасорат, адолат, инсоф ва адолатли бошқарувчилик каби қадриятларга асосланган. У душмандан қўрқмаган ҳолда,

жанг майдонида мардлиги ва жасорати билан уларни дахшатга солган. Ҳатто вафотидан кейин ҳам унинг номи душман қалбида кўркув ва хавотир уйғотишда давом этган.

Жалолоддин Мангубердининг Ватан ҳимояси, миллий ўзликни сақлаш ва кадриятларга содиқлиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, глобаллашув жараёнлари туфайли турли маданиятлар ва кадриятлар ўзаро таъсирлашиб бораётган бир пайтда, миллий ўзликни англаш ва миллий кадриятларни асраб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Жалолоддин Мангубердининг миллий ўзликни сақлашга бўлган интилиши бугун ҳам долзарбдир. Иккинчидан, дунёда геосиёсий вазиятнинг мураккаблашуви, минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг ортиши Ватан ҳимояси масаласини янада долзарблаштирмоқда. Ҳар бир фуқаро Ватан ҳимоясига тайёр бўлмаса, бундай давлат қулликка маҳкумдир. Жалолоддин Мангубердининг Ватан ҳимояси йўлидаги матонатидан маънавий куч олиш учун унинг жасорати ва қатъиятини унутмаслик керак. Учинчидан, маънавий кадриятларнинг деформацияси, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши ва ёшларнинг маънавий тарбиясига эътиборнинг сусайиши жиддий ижтимоий-маънавий таҳдидларни юзага келтирди. Жалолоддин Мангубердининг маънавий кадриятларга содиқлиги бугунги ёшлар учун маънавий озуқа бўла олади. Тўртинчидан, ижтимоий тенгсизлик, коррупция ва адолатсизлик каби муаммоларнинг мавжудлиги ижтимоий адолатни таъминлаш масаласини долзарблаштиради. Ижтимоий адолат мезонлари бузилиши билан давлат чегаралари ўз-ўзидан очилиб кетиши, ижтимоий парокандалик фуқаролар урушини келтириб чиқариши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, душман давлатлар учун имконият майдонига айланади. Ҳатто тахтидан айрилиб, Ватани, оиласи, армияси ва фуқаросидан жудо бўлган тақдирда ҳам, Жалолоддин Мангуберди Эрон, Озарбайжон ва Арманистонда куч тўплаб, ватанини озод қилиш учун тинмай курашгани тарих саҳифаларида ёзиб қолдирилган. Ватан қадрини ватансиз билади. Шу боис, Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти ёшларнинг Ватаннинг қадрига етишлари учун ёрқин намуна бўла олади.

Шиҳобиддин Насавийнинг “у қанча ўлкалар, қанча мамлакатларда аёвсиз жангларда қатнашди, ўлимларга чап берди, мусибатлардан халос бўлди. Аммо ҳаёт билан видолашиш мавриди келганда, бу қудратли арслон тулки панжалари остида жон берди деган сўзлари Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти қанчалик зиддиятли ва аянчли яқун топгани, буюк жангчининг арзимаган сабаб туфайли ҳалок бўлгани душманнинг катта-кичиги бўлмаслиги, ҳамиша огоҳлик билан яшаш муҳимлигини кўрсатади. Бу тарихий воқеа ўтмишнинг келажакка нидосидек, бугунги ёшларга хитобдек, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳушёрликни сақлаш, хавфни доимо баҳолаб туриш зарурлигини англатади.

Жалолоддин Мангубердининг садоқати, мардлиги, жасорати, кўркмаслиги, оғир синовларга қарамай ўз мақсадидан қайтмаслиги, Ватан озодлиги йўлида ҳеч қачон умидини сўндирмаслиги, халқларни бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан ягона кучга айлантиришга интилиши ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга асос бўлади.

Жалолоддин Мангубердининг маънавий мероси маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ахлоқий меъёрларни шакллантириш ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қачонки мардлик, жасорат, адолат, инсоф, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик каби маънавий қадриятлар тилга олинса, Жалолоддин Мангуберди “Мендирман ўшал!” деб намоён бўлади:

Гурбатларга йўл олмоқ учун мусибат,
Гурбатда ҳам армондир Ватанга хизмат!
Ҳали адо бўлмапти улуғ хангома,
Насавий битирмасдан қолди жангнома.
Бир бўлсайди салтанат, эл-уруғлар бир,
Даҳшат сочиб бўлардик жангда оламгир.
Мангуликдан жой олган – яшар абадий,
Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.
Кўкларданми, сувданми, ё Ер тагидан,
Балки сахро бағридан, тоғ этагидан,
Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўмилмас гурбатда – гўрда.
Улуғвор ниятларга қор қилмас ажал,
Ким юртдан ёв қувса – мендурман ўшал ...

Хулоса қилиб айтганда, Жалолоддин Мангуберди шахси нафақат тарих, балки фалсафа, сиёсат, маданият ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ҳам ўзига хос ходисадир. Унинг ҳаёти ва фаолияти, айниқса мўғуллар истилоси давридаги кураши нафақат ҳарбий-сиёсий воқеалар силсиласи, балки маълум маънода миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиш, давлатчилик анъаналарини давом эттириш ва умуман инсоният тарихидаги қадриятлар курашининг ёрқин ифодасидир.

Жалолоддин Мангубердининг мардлиги, жасорати, Ватанга садоқати, адолат ва инсофга интилиши ижтимоий-ахлоқий идеал сифатида замонавий жамиятнинг маънавий ва ахлоқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Унинг маънавий мероси ўзбек халқи учун бебаҳо хазина бўлиб, ҳаёти ва фаолияти ёш авлодни ватанпарварлик руҳида

тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, маънавий кадриятларни мустаҳкамлашда йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб хизмат қилади. Унинг номи асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб, Ватанга муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида ёшлар қалбида абадий яшайди.

Таклифлар ва тавсиялар:

1. Иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида “Жалолиддин Мангуберди” номли махсус стипендия таъсис этиш. Стипендия тарих, фалсафа, сиёсатшунослик каби йўналишларда таҳсил олаётган, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва меросини ўрганишга қизиқиши бўлган талабаларга берилиши мақсадга мувофиқ.

2. Жалолиддин Мангубердининг маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида атоқли адиб Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб “Жалолиддин Мангуберди” драмасини театр репертуарига қайтариш. Бу спектакль ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

3. Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва бебаҳо меросини чуқур ўрганиш мақсадида ҳар йили халқаро илмий конференциялар ташкил этиш. Конференцияларга дунёнинг турли мамлакатларидан тарихчи олимларни жалб қилиш орқали мавзуга оид янги тадқиқотларни муҳокама қилиш имкониятини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жуков В. Последний Хорезмшах (Из борьбы Джелаледдина Менгуберти с монголами). – Ташкент: 1944. – 15 с.
2. Босворт К. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии / Пер П.Грязневич. – Москва: 1971. – 324 с.
3. Назарбек Раҳим. Мерям Гурбуз. [Матн]: Хоразмшоҳларда давлат ташкилоти, иқтисодий ва маданий ҳаёт / Н. Раҳим. – Урганч: Огаҳий нашриёт-матбаа, 2022. – Б. 12-37.
4. Кутлуков М. Монгольское господство в Восточном Туркестане // Татаро-монголы в Азии и Европе. – Москва: 1977. – С. 86.
5. Бартольд В.В. Сочинения. Том 1 (Туркестан в эпоху монгольского нашествия). Млсква: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 418-462.
6. Абул Маҳосин Жамолиддин ибн Тағриберди. Ан-Нужум аз-захира фи-л-мулук Миср ва-л-Қоҳира (Миср ва Қоҳира ҳукмдорларининг порлоқ юлдузлари) араб тилида. – Қоҳира: 1956. – Б. 539.

7. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-дин Менгбурни (Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти). К. Матёкубов таржимаси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2006. – Б. 295.

8. Мақсуд Шайхзода. Дунё боқий. Шеърлар, дostonлар, драмалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1988. – Б. 417.